# ХАБАР

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

**1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 1 августа № 31 (259) ●** Сотувда нархи эркин


## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ИШЛАЙЛИК

Сурхондарё вилояти давлат почта алоқа корхонасида иш мароми кейинги пайтларда анча сусайиб қолган эди. Раҳбарият таркиби ўзгаргандан сўнг корхонада иш деярли қайта ташкил этилди ва баъзи бир ютуқларга эришилди. Жумладан, ходимларнинг ойлик маошлари оширилди, уларнинг яшаш ва ишлаш шароитларига алоҳида эътибор берилди. Ходимларнинг иш тажрибаларини, билимларини ошириш ва уларнинг ўз касбларига бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида жорий йилнинг олти ойи ичида уч марта «Энг яхши почтачи», «Энг яхши оператор» ва «Энг яхши алоқа бўлими бошлиғи» кўрик-танловлари ўтказилди. Бундан ташқари вилоятдаги кўпгина алоқа бўлимлари замонавий компьютерлар ва «Дамас» автомашиналари билан таъминланди.

Корхонадаги даромадларни тўғри ҳисоблаш ва улардан тартибли фойдаланиш учун марказлаштирилган ҳисоботга ўтилди. Бу эса кўпгина бошбошдоқликлар ва тартибсизликларнинг олдини оляпти. Вилоятда накд пулларни ўз эгаларига етказиш, ариза ва шикоятларга вақтида жавоб бериш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шунга қарамасдан ҳали ҳам муаммолар етарли. Узоқ тумалардаги алоқа бўлимлари телефонлаштирилмаган, кўплаб жойларда ҳужжатлар рус тилида юргизиляпти.

Вилоят касаба уюшма қўмитаси фақат ҳисобот олиш билан шуғулланади, холос. Алоқачиларни ҳимоялаш, уларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқмайди. Истагим — инсон манфаатлари йилида ушбу муаммолар баҳамжиҳат ҳал қилинса нур устига аъло нур бўларди.

***Саодат БЎРОНОВА,***
***Сурхондарё вилояти давлат почта алоқа корхонасининг назоратчи муҳандиси***



*Электрон АТСларда ишлаш ўзига хос билим ва малака талаб қилади. Бухоро шаҳар марказий автомат телефон станциясининг етакчи муҳандиси Саъдулло РАСУЛОВ ана шу замонавий жиҳозлар билан бемалол «тиллаша олади».*

*СураткашТ.ЛУТФУЛЛАЕВ*

**● 29 июль куни Президент Ислом Каримов раислигида республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисда 1997 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида жорий йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши муҳокама қилинди.**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**•Янгиликлар•Воқеалар•Хабарлар**

● Матбуотда «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

**● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари Тошкент — Омск — Тошкент йўналиши бўйлаб парвоз қила бошлади. Омск «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётлари парвоз қилаётган Россиянинг йигирманчи шаҳридир.**

● Женевада Грузия — Абхазия ўртасидаги можарони ҳал этиш юзасидан БМТ воситачилигида ташкил этилган музокаралар натижасиз тугади. Шунга қарамасдан келгусида бу музокараларни яна давом эттиришга келишиб олинди.

**● Шу йил 1 октябрдан бошлаб Россиядан олтин қуймаларни чет элларга олиб чиқиб кетишга рухсат берилади.**

● Куба пойтахти Гаванада жаҳон ёшлари ва студентларининг анъанавий фестивали тантанали вазиятда очилди. У 5 августгача давом этади.

**● Минскда намойиш ўтказган мухолифатчилардан 30 нафари, шу жумладан, Халқ фронтининг етакчиси ҳам жамоат тартибига риоя қилмаганликда айбланиб, ҳибсга олинди. Айни пайтда Россия жамоатчилик телевидениеси ходимларига Белоруссия чегарасидан ноқонуний ўтганлик айби қўйилиб улар ҳам ушланди. Тележурналистларнинг хонадонларида тинтув ўтказилди.**

● АҚШ Камбоджада ҳокимиятни ўз қўлига олган иккинчи Бош вазир Хун Сеннинг ўз мухолифатчилари — шаҳзода Ранарит тарафдорларини жисмоний йўқ қилишга киришганлиги учун бу хатти-ҳаракатларни қаттиқ қоралади.

**● Ҳиндистонда икки поезднинг тўқнашиб кетиши оқибатида 12 киши ҳалок бўлди, юздан ортиқ одам жароҳатланди.**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР 91-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жорий йилнинг 1 августидан 20 августигача 91-АТСда замонавий электрон АТСга ўтказиш ишлари олиб борилади. Янги электрон АТСга ўтказиш босқичма-босқич амалга оширилади.

Телефон тармоғидаги янги станцияга ўтказиш билан боғлиқ баъзи қийинчиликлар боис юқорида кўрсатилган муддат давомида бошқа абонентга қўнғироқ қилиш ёки Сизнинг телефонингизга тушиш ҳамда шаҳарлараро алоқа қилиш мушкуллашади. Шунингдек, 91-АТС электрон станцияга ўтиши билан бир вақтда «7» лик рақамига ҳам ўтказилади. Аввал мавжуд телефон рақами олдига «1» (бир) рақами қўшилади. Масалан, телефон рақамингиз 91-23-23 бўлса, янгиси 191-23-23 бўлади.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ**

***Бухоро вилояти, Вобкент туман электралоқа боғламаси 1997 йилнинг беш ойида аҳолига 5 миллион 60 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Туман қишлоқларида 2337 та радионуқта, 2400 та телефон аҳоли хизматидадир.***

Туман электралоқа боғламаси маъмуриятининг саъй-ҳаракати эвазига ходимлар ўз вақтида иш ҳақларини олишмоқда. Чунки боғлама раҳбарияти пухта ўйланган тадбиркорлик режалари асосида иш юритяпти. Боғлама ходимлари туманга қарашли Бодомча қишлоғидаги Хайробод жамоа хўжалиги ҳудудидан 12 гектар ташландиқ ерни олиб, ўзлаштирдилар. Янги ерда пахта, сабзавот ва полиз экинлари етиштирилди. Бу ишларда Отабек Ҳамроев, Негбай Аслонов, Суннат Сафаров, Нуриддин Аҳмедовларнинг ҳиссаси катта бўлди.

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Боғлама қарамоғида 180 бош қўй ва 60 бош қорамол бор, олинган маҳсулот ишчиларга жуда арзон нархда сотилмоқда. Шунингдек, корхонада ишлаб, нафақага чиққан кекса алоқачиларга 300 сўмдан ёрдам пули берилди. 41 нафар ходимларга ёзги ва қишки кийим бепул берилган бўлса, уруш қатнашчилари, Чернобиль ҳалокатини тугатишда иштирок этганлар билан бир пиёла чой устида суҳбат ўтказилиб, улар 500 сўмдан пул мукофоти билан сийланди.

Инсон манфаатлари йилида боғламада мана шундай ибратли тадбирлар ўтказилиб, ишчи-хизматчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

***Саълқ ЭГАМОВ,***
***Бухоро вилояти***

● «Халқ сўзи» газетасининг 1997 йил 20 июнь сонида босилган «Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари»ни муштарийлар илтимосига кўра газетамизнинг 2-3-4 саҳифаларида чоп этмоқдамиз.



# АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

(Боши 2-бетда.)

## ШАҲАРЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

рхда тўлов билан ҳавола этилади. Фалокатга учраган денгиз, дарё ва ҳаво кемаларидан хабар узатиш учун шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувларига ҳақ олинмайди.

3.6.5 «Ҳаво», «Ракета», «Самолёт», «Тина» пароллари бўйича сўзлашувлар ҳавола этиш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси алоқа маъмуриятининг алоҳида ҳужжатлари билан белгиланади.

3.6.6 Алоқа корхоналарига вақтинча амал қилувчи паролларни шартнома асосида тўлаш шарти билан киритиш ҳуқуқи берилади. Пароллар бўйича буюртмалар оддий тоифадаги буюртмалардан олдин бажарилади.

3.6.7 «Ҳукуматники» тоифасидаги шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари «Ҳеч қандай навбатсиз» сўзлашувларидан кейин амалдаги нархлар бўйича алоқа ишлари жадвалини бузмасдан ва ўтаётган сўзлашувларни узмасдан берилади. Сўзлашувлар фақат шундай сўзлашувларни олиб бориш ҳуқуқи берилган мансабдор шахсларгагина ва фақат рўйхатга олинган телефонлардан ҳавола этилади.

3.6.8 Бошланган сўзлашувни телефончи узиб қўйиши мумкин эмас, «Ҳеч қандай навбатсиз» тоифаси бўйича ва «Табиий офат» пароли бўйича сўзлашув бундан мустасно. Сўзлашув тугагандан сўнг аввал сўзлашиб турган мижозга узилган сўзлашувини тугаллашга имкон берилади.

3.6.9 Мижоз узиб қўйилган сўзлашувни давом эттиришдан воз кечган ҳолда, ундан фақат амалдаги сўзлашув вақти учун ҳақ олинади. Агар сўзлашув бир минутдан кам давом этган бўлса, бир минут сўзлашув учун ҳақ олинади.

3.6.10 Алоқа издан чиққанида ёки имкониятдан ортиқ буюртмалар бўлган вақтларда смена бошлиғи рухсати билан сўзлашув вақтини чеклашга йўл қўйилади. Сўзлашув вақтининг чекланганлиги тўғрисида телефончи буюртма қабул қилинаётганда ва сўзлашув ҳавола этилаётганда мижозни огоҳлантириши керак.

**3.7** Хабарнома билан шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувини ҳавола этиш.

3.7.1 Хабарнома билан халқаро телефон сўзлашуви ушбу масала бўйича бошқа мамлакатларнинг алоқа маъмуриятлари билан битимлар мавжуд бўлган тақдирдагина таъминланади.

3.7.2 Чақирилаётган шахсни манзилига хабар қилиб, маълум вақтга сўзлашувга таклиф этиш қуйидаги турларда бўлиши мумкин:

— чақирилаётган шахсни сўзлашув пунктига таклиф қилиш хабарномаси;

— чақирилаётган шахсни мижоз буюртма бераётганда кўрсатган маълум рақамдаги телефонга таклиф этиш хабарномаси;

— абонент қутиси манзилини кўрсатиш хабарномаси. Манзилда абонент қутисининг рақамидан ташқари шаҳар алоқа бўлимининг рақами кўрсатилиши керак;

— манзилли «Талаб қилиб олгунча» хабарномаси. Манзилда шаҳар алоқа бўлими рақами ёки унинг номи кўрсатилиши керак;

— «Ҳарбий қисм» манзили бўйича алоқа бўлими рақами кўрсатилган хабарнома;

— санаторий, дам олиш уйи, пансионат, сайёҳлик базаси номи ёки манзили бўйича хабарнома.

3.7.3 Чақирилаётган мижоз сўзлашув учун мижозга элтиб берилган шошилинчномада алоқа бўлими томонидан кўрсатилган сўзлашув манзилигагина ёки телефонга бориши керак.

3.7.4 Хабарнома бериб сўзлашувга буюртма беришда фақат битта манзил ва кўпи билан икки шахс номи кўрсатилиши мумкин. Манзилда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

— почта бўлими индекси;

— шаҳар ёки аҳоли пунктининг номи;

— кўчанинг номи;

— уй рақами, хонадон рақами ёки муассасанинг номи;

— чақирилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми.

3.7.5 Хабарномали сўзлашувларга буюртмалар мазкур суткада, кеча-кундузда лекин сўзлашув белгиланган соатгача камида 8 соат олдин ва алоқанинг амалдаги иш жадвалини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, кейинги сутка учун қабул қилинади. «Почта қутиси», «Абонент қутиси», «Ҳарбий қисм» ва «Талаб қилиб олингунча» манзиллари бўйича сўзлашувларга хабарномали буюртмалар сўзлашувга қадар камида 2 кун илгари қабул қилинади.

3.7.6 «Дала почтаси» манзили бўйича сўзлашувга буюртмалар қабул қилинмайди.

3.7.7 Санаторийларда, дам олиш уйларида, пансионатларда, сайёҳлик базаларида дам олувчилар билан телефон рақами кўрсатилмайдиган сўзлашувга фақат хабарнома бериб буюртма қабул қилинади. Бундай буюртмалар сўзлашув учун белгиланган соатдан камида 24 соат илгари қабул қилинади.

3.7.8 Агар сўзлашув учун белгиланган вақтга чақирилаётган шахсни таклиф этиш хабарномаси сўзлашув вақтидан камида 3 соат олдин шахсан чақирилувчига, унинг оиласидаги балоғатга етган аъзосига ёки хонадонни ижарага олган жавобгар шахсга тилхат билан топширилса, у бажарилган ҳисобланади. Агар меҳмонхона, ётоқхона, санаторияда ёки дам олиш уйида яшовчи шахс номига хабарнома эгасига ёки меҳмонхона, ётоқхона, санатория, дам олиш уйи маъмуриятига сўзлашув бошланишидан камида 3 соат илгари топширилган бўлса, у бажарилган ҳисобланади. Агар хабарнома мижозга сўзлашув белгиланган вақтгача 3 соатдан камроқ вақт қолганда элтиб берилган бўлиб, чақирилаётган мижоз сўзлашув пунктига ёки буюртмада кўрсатилган телефонга келса ва сўзлашув бўлиб ўтса, у ҳолда ҳам хабарнома бажарилган ҳисобланади.

3.7.9 Хабарнома орқали сўзлашув шу тоифадаги бошқа буюртмалардан, уларнинг тарифларидан қатъий назар, уланишда имтиёзга эга бўлади.

3.7.10 Хабарнома бериш ҳақи сўзлашув тўловидан ташқари буюртмадаги тариф бўйича 3 минутлик сўзлашув қиймати миқдорида тўланади.

3.7.11 Агар муассаса (ташкилот) берклиги, хонадонда ҳеч ким йўқлиги, эгаси бошқа ёққа кетиб қолганлиги, чақирилаётган мижознинг мазкур манзилда яшамаслиги, буюртмада кўрсатилган кўчанинг, уйнинг йўқлиги оқибатида хабарнома топширилмаганлиги сабабли хабарномали сўзлашув амалга ошмай қолса, у ҳолда сўзлашувга буюртма берганлардан фақат хабарнома ҳақи олиб қолинади. Агар чақирувчи ва чақирилувчи мижозлар улаш пайтида сўзлашишдан воз кечсалар, у ҳолда хабарнома ҳақидан ташқари шаҳарлараро уланишни амалга оширганлик учун буюртма берилган нарх бўйича 1 минутлик сўзлашув қиймати миқдорида ҳақ олинади. Агар чақирувчи ва чақирилувчи мижозлар уланишгача сўзлашувдан воз кечсалар, у ҳолда фақат хабарнома ҳақи олинади.

3.7.12 Агар чақирилувчи ёки чақирувчи мижоз сўзлашув учун белгиланган вақтдан кейин бир соат мобайнида сўзлашув манзилига келмаса, чақирилувчи ёки чақирувчи абонент телефонидан ҳеч ким жавоб бермаса, у ҳолда буюртма бекор қилинади ва чақирувчи мижоздан фақат хабарнома учун ҳақ олинади.

3.7.13 Агар сўзлашув тўғрисидаги хабарнома чақирилаётган пунктга берилмай қолган бўлса ёки ўз вақтида етказилган бўлиб, бироқ алоқа узилиб қолганлиги сабабли ёки чақирилаётган мижознинг сўзлашув манзилида сўзлашув берилишини бир соатдан ортиқ вақт кутиб кейин кетиб қолгани сабабли сўзлашув амалга ошмай қолган бўлса, у ҳолда мижозга хабарнома ҳақи қайтариб берилади ёки буюртма бошқа вақтга кўчирилади.

**3.8** Бошқа шаҳардан чақирилаётган мижознинг телефон рақами ҳақида маълумот бериш.

3.8.1 Маълумотлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

— сўзлашувга буюртма берилган ҳолда бошқа пунктдан чақирилувчи мижознинг телефон рақами тўғрисидаги маълумот;

— сўзлашувга буюртма берилмаган ҳолда бошқа манзилдаги телефон рақами тўғрисидаги маълумот;

Почта қутиси рақамини кўрсатган телефон рақамларидан буюртмалар қабул қилинмайди.

3.8.2 Буюртмада сўзлашувга чақирилган телефон рақами ҳақидаги маълумот учун буюртма берилган тариф билан 3 минутлик сўзлашув миқдорида ҳақ олинади.

3.8.3 Агар мижоз буюртмада кўрсатган корхона ва ташкилотнинг телефони бўлмаса ёки мижоз айтган телефон рақами бўлмаса буюртма қабул қилинган тариф билан 3 минутлик сўзлашув миқдорида ҳақ тўлайди.

3.8.4 Мижозга бошқа манзилдаги мижознинг телефон рақами маълум қилинган бўлса ёки унда телефон йўқлиги ҳақида хабар берилган бўлса, буюртма бажарилган деб ҳисобланади.

3.8.5 Агар чақирувчи мижоз уланишгача бошқа аҳоли пунктидаги телефон рақами тўғрисидаги маълумот билан буюртма бўйича сўзлашувдан воз кечса, ундан фақат маълумот учун ҳақ олинади. Агар чақирувчи ёки чақирилувчи мижоз бундай сўзлашувдан уланиш пайтида воз кечса, у ҳолда маълумот ҳақидан ташқари шаҳарлараро уланиш амалга оширилгани учун буюртма берилган сўзлашув нархи бўйича 1 минут сўзлашув қиймати миқдорида ҳақ олинади.

3.8.6 Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланиш масалалари бўйича маълумот бепул берилади.

3.8.7 Мижоздан олинган буюртма бўйича навбат тўғрисидаги маълумот буюртма қабул қилингандан кейин ёки сўзлашув учун белгиланган вақтдан камида 30 минутдан сўнг суриштириб билинади.

**3.9** Шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувини буюртмада кўрсатилган учта телефондан бири орқали улаб бериш.

3.9.1 Шаҳарлараро телефон сўзлашуви коммутатор орқали уланганда мижоз буюртмада кўрсатган учта рақамдан бири орқали амалга оширилиши мумкин. Улаш жараёнида буюртмада кўрсатилган телефон рақамлари жавоб бермаса, мижоз навбатдаги рақамларни айтиши мумкин.

3.9.2 Биринчи телефон рақами жавоб бермаганда ёки банд бўлганда хизмат ҳақи олинмайди. Абонентни иккинчи ва навбатдаги кейинги телефон бўйича ҳар бир чақириш учун хизмат ҳақи буюртма нархи бўйича бир минутлик сўзлашув миқдорида олинади.

**3.10** Шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувини, аниқ бир шахсни чақириш билан амалга ошириш.

3.10.1 Сўзлашувга аниқ бир шахсни чақириб буюртма беришда кўпи билан икки шахс ва икки телефон рақами (коммутатор орқали уланишда — кўпи билан иккита қўшимча телефон рақамлари) кўрсатилиб, буюртмада телефонларнинг биридан бу шахсларнинг биттасини чақириш мумкин. Керакли шахс фамилияси, исми ёки лавозими бўйича чақирилади.

3.10.2 Аниқ бир шахсни чақириш хизмати учун (сўзлашув учун тўланадиган ҳақдан ташқари) буюртмада чақирилаётган шахснинг фамилияси, исми ёки лавозими кўрсатилишидан қатъий назар, буюртма берилган сўзлашув нархи бўйича 1 минут сўзлашув қиймати миқдорида ҳақ олинади. Маълум бир шахсни кутиш вақти бир минутдан ошса, у ҳолда кутиш муддати сўзлашув вақтига қўшилади.

3.10.3 Чақирилувчи шахс бўлмаганда ва чақирувчи мижоз кутишга рози бўлганда, телефончи такрорий чақирувлар қилади. Агар такрорий чақирувлардан сўнг буюртмада кўрсатилган шахс билан сўзлашув ўтказилган бўлса, у ҳолда аниқ бир шахсни чақириш хизмати учун ҳақ олинади.

3.10.4 Аниқ бир шахсни чақириш хизмати учун қуйидаги ҳолларда ҳақ олинмайди:

— чақираётган мижоз улаб бериш пайтигача сўзлашувдан воз кечганда;

— чақирилаётган шахс бўлмаганда ва чақираётган мижоз телефонда жавоб берган шахс билан сўзлашишга рози бўлганда;

— чақираётган мижоз билан келишувга кўра буюртма бўйича сўзлашув пунктидаги шахсни чақирганда.

**3.11** Мижоз белгилаган маълум бир вақтда шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашуви ҳавола этиш.

3.11.1 Мижоз белгилаган маълум бир вақтда сўзлашув хизмати билан буюртмалар корхонанинг техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, рўйхати алоқа корхонаси раҳбари томонидан белгиланган пунктларга қабул қилинади.

3.11.2 Маълум бир вақтда сўзлашишга буюртма сўзлашув учун белгиланган вақтдан камида 30 минут олдин қабул қилинади.

3.11.3 Маълум бир вақтда сўзлашув ҳавола этиш учун сўзлашувга тўланган ҳақдан ташқари шошилинч тариф бўйича сўзлашувнинг 1 минутлик қиймати

(Охири 4- бетда.)

# ШАҲАРЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

(Боши 2-3 бетларда.)

миқдорида қўшимча ҳақ олинади. Сўзлашув ҳам шошилинч тариф бўйича тўланади.

3.11.4 Агар сўзлашув белгиланган вақтдан олдин 15 минут мобайнида ҳавола этилган бўлса, хизмат бажарилган ҳисобланади. Сўзлашув ҳавола этиш ундан ортиқ вақт — 30 минутгача ушланиб қолганда ортиқча хизмат ҳақи олинмайди, сўзлашув шошилинч тариф бўйича тўланади. 30 минутдан ортиқ вақт ушланиб қолинса, одатдаги тариф бўйича тўланади.

3.11.5 Маълум вақтдаги сўзлашувга берилган битта буюртмада бошқа қўшимча тўловли хизматлар мавжуд бўлса, у ҳолда бажарилган ҳар бир хизмат учун ҳақ олинади.

3.11.6 Агар сўзлашув бўлиб ўтмаса сўзлашув нима сабабдан бўлмаганлигидан қатъий назар, хизмат ҳақи олинмайди.

**3.12** Хабарнома орқали сўзлашувни бошқа телефон рақамига ёки бошқа сўзлашув пунктига ўзгартириш.

3.12.1 (Берилган) буюртма бўйича сўзлашувни бошқа телефон рақамига ёки бошқа сўзлашув пунтига хабарнома бериб, манзилини ўзгартириш, чақирилаётган абонентдан сўзлашув белгиланган вақтдан камида уч соат олдин амалга оширилиши мумкин.

3.12.2 Манзилни ўзгартириш хизмати учун 3 минутлик сўзлашув қиймати миқдорида ҳақ олинади. Агар манзилни ўзгартириш тўғрисида чиқувчи ШТСга сўзлашув учун белгиланган вақтгача хабар қилинган ва уланиш янги манзил бўлган тақдирда хизмат бажарилган ҳисобланади.

**3.13** Мижоз учун сўзлашув.

3.13.1 Хизмат кўрсатиш мижознинг топшириғига кўра буюртмада кўрсатилган телефон рақамига телефончи томонидан ахборот (телефонограмма) беришни кўзда тутади.

3.13.2 Чақирилаётган шахсга ёки телефонда жавоб берувчи шахсга телефонограммани узатиб «Мижоз учун сўзлашув» хизматига 1 минутлик сўзлашув қиймати миқдорида ҳақ тўланади, сўзлашувнинг ўзи эса буюртмадаги тариф бўйича, 20 та сўзгача бўлган матнга уч минутлик сўзлашув каби, 40 та сўзгача олти минутлик, 60 та сўзгача тўққиз минутлик сўзлашув каби ҳисобида тўланади.

3.13.3 Агар телефончи хабарни чақирилаётган шахсга етказган бўлса, хизмат бажарилган ҳисобланади.

**3.14** Телефакс орқали маълумот узатиш учун алоқани ҳавола этиш.

3.14.1 Факс мазкур алоқа корхонасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган тақдирдагина хизмат кўрсатилади.

3.14.2 Маълумотларни телефакс орқали узатиш учун бўлган шаҳарлараро сўзлашув буюртмасида мижоз қуйидаги ахборотларни айтиши керак:

— хизмат кўрсатиш тури (телефакс);

— чақирилаётган мамлакат ва аҳоли пункти номи;

— чақирилаётган мижознинг телефон рақами;

— улаб беришга рухсат этиш вақти;

— чақираётган мижознинг фамилияси ва телефон рақами.

— алоқа ўрнатилганида пул тўлаш учун ҳисобланадиган вақт.

3.14.3 Уланишни белгилашда каналнинг ҳақиқий банд бўлиш вақти прейскурантга мувофиқ коэффициент билан тарификация қилинади.

3.14.4 Телефакс орқали алоқа учун рухсат берилганда буюртмадаги нарх бўйича 1 минут миқдорида қўшимча ҳақ олинади.

3.14.5 Уч минутдан кам вақт учун 3 минутлик уланиш ҳақи тўланади, ундан кейингилари минутлаб тўланади, бунда ҳар кейинги тўлиқ бўлмаган минутга тўлиқ минут ҳисобида ҳақ олинади.

3.14.6 Агар уланиш 1 минутдан ортиқ давом этган бўлса ва ахборот узатилмаганлиги ёки тўлиқ узатилмаганлиги маълум бўлса (мижоздан эътироз тушганда), у ҳолда телефончи абонентга янги буюртма беришни таклиф қилиши ва буюртмага шошилинч тариф бўйича белгиланган муддатда уланиш учун ҳақ тўлаш тўғрисида огоҳлантириши лозим.

3.14.7 Агар мазкур йўналиш бўйича мижозлардан буюртма қабул қилиш чекланган бўлса, у ҳолда мижозга такрорий улаш учун имкон бўладиган вақтни таклиф этиш лозим.

3.14.8 Қабул пунктидан факсни олиш ҳақидаги хабарнома учун мазкур алоқа тарифи бўйича 1 минутлик сўзлашув миқдорида ҳақ тўланади.

3.14.9 Факс бўйича қабул қилинган ҳар бир стандарт варақ учун амалдаги тарифлар асосида ҳақ тўланади.

**3.15** Маълумотлар узатиш учун шаҳарлараро ва халқаро уланишларни ҳавола этиш.

3.15.1 Маълумотларни автоматик телефон алоқаси тармоғи билан узатишга алоқа корхонасида рўйхатдан ўтказилган «UzPAK» тармоғи телефон рақамлари орқали амалга оширилади.

3.15.2 Маълумотларни узатиш учун шаҳарлараро телефон уланишига буюртма берганда мижоз бу ҳақда телефончига хабар қилиши керак.

3.15.3 Маълумотларни узатиш учун шаҳарлараро уланишга ҳақ тўлаш буюртмадаги тариф бўйича ҳақиқий кетган вақтдан икки карра кўп миқдорда амалга оширилади.

**3.16**. Алоқа каналлари ва трактларини ижарага бериш.

3.16.1 Алоқа каналлари ва трактларини ижарага бериш тартиби алоҳида ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

**3.17** Сўзлашувларни шартномада белгиланган, келишилган вақтда бериш.

3.17.1 Шартнома алоқа корхонаси билан камида 30 кун муддатга айрим ҳолларда ундан камроқ муддатда тузилади.

3.17.2 Шартнома бўйича бериладиган сўзлашувлар ҳафтанинг иш кунлари — шошилинч тарифлар бўйича, дам олиш ва байрам кунлари — оддий тариф бўйича тўланади.

3.17.3 Шартнома бўйича сўзлашув олдиндан буюртма бермасдан, шартномада келишилган вақтда берилади ва фақат «Ҳеч қандай навбатсиз» тоифасидаги ва «Ҳукуматники» тоифасидаги буюртмаларни бажариш сабабли кечиктирилиши мумкин.

3.17.4 Мижоз шартномада кўрсатилган вақтдан тўлиқ фойдаланмаганда ёки сўзлашувдан воз кечганда, шунингдек, телефонлардан бири орқали жавоб бўлмасада фойдаланилмаган вақт учун ҳам тўлиқ ҳақ тўлайди.

3.17.5 Сўзлашув вақти станция айби билан шартномада келишилганидан кам бўлса, амалда гаплашилган вақт учун ҳақ тўланади. Агар узиб қўйилган сўзлашув 3 минутдан кам давом этган бўлса, унга ҳақ олинмайди. Алоқа бўлмаганлиги сабабли шартнома бўйича сўзлашув амалга ошмаган ҳолда ҳеч қандай ҳақ олинмайди.

3.17.6 Шартномада келишилган вақт ичида узоқ чет мамлакатларга сўзлашув ҳавола этилмайди.

### 4. КЎРСАТИЛАЁТГАН АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ ТЎЛАШ

**4.1** Ҳақ тўланиши керак бўладиган сўзлашув вақти чақираётган шахснинг чақирилаётган телефон бўйича жавоб берган шахс билан сўзлаша бошлаган пайтидан бошлаб ҳисобланади, «Аниқ бир шахсни чақириш» хизмат буюртмалари бундан мустасно. Шаҳарлараро автомат телефон алоқасидан фойдаланганда ҳақ минут ҳисобланади. Агар автомат телефон алоқаси бўйича чақирилаётган телефон рақамини теришда уланиш телефонга (факс, автожавобберувчи ва шу кабиларга) уланган бирор техник қурилма билан ўрнатилган бўлса тўлаш лозим бўлган сўзлашув вақти қурилма билан уланиш пайтидан бошлаб ҳисобланади. Коммутатор орқали улаб беришда энг кам ҳақ уч минутлик бўлади. Сўзлашув уч минутдан ортиқ вақт давом этса, ҳар бир тўлиқ минут бўлмаган сўзлашув учун бир минут ҳисобидан ҳақ олинади.

**4.2** Алоқа корхоналари шаҳарлараро телефон алоқаси хизматлари учун амалдаги прейскурантдан фойдаланади.

**4.3** Шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари учун икки турдаги тарифлар белгиланган:

— оддий;

— шошилинч.

Шошилинч тариф бўйича сўзлашувлар буюртма қабул қилинган пайтдан бошлаб 30 минут давомида ҳавола этилади, амалдаги коэффициентли тариф бўйича тўланади. Шошилинч тариф бўйича буюртмалар қабул қилинадиган йўналишлар рўйхатини алоқа корхонаси белгилайди. Шошилинч тариф бўйича шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувини улаб бериш вақти бузилганда буюртма оддий тариф бўйича улаб берилади, хизмат ҳақидаги фарқ эса мижозга қайтарилади. Оддий тариф бўйича сўзлашув буюртмаларнинг келиб тушиш навбатига кўра улаб берилади.

**4.4** Чақирувчи ёки чақирилувчи мижоз уланиш амалга оширилиши лозим бўлган пайтдан ёки мижоз белгилаган вақтдан бир соат олдин сўзлашувдан воз кечганда, буюртмага тариф бўйича бир минутлик сўзлашув миқдорида ҳақ олинади.

**4.5** Агар сўзлашув улаб берилаётганда чақирилаётган мижозда чақираётган мижоз учун ахборотга эга автожавоббергич уланган бўлса, у ҳолда сўзлашув бўлиб ўтган деб ҳисобланади. Агар сўзлашув улаб берилганда чақираётган мижозда автожавоббергич уланмаган бўлса, у ҳолда сўзлашув амалга ошмаган деб ҳисобланади ва ундан буюртмадаги тариф бўйича бир минутлик сўзлашув миқдорида хизмат ҳақи олинади.

**4.6** Шаҳарлараро ва халқаро суҳбатларни ҳисобга олувчи аппаратларнинг магнит лентасига ёки дискига ёзилган ва ШТШ-5 формасидаги ахборотлар мижозга счёт кўрсатиш учун асос бўлаолади.

### 5. КРЕДИТГА БЕРИЛАДИГАН АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

**5.1** Шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари ва хизматлари учун ҳисоб-китоблар телефон алоқасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар номига очилган абонентлар орқали олиб борилади.

**5.2** Ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотга фақат битта шахсий ҳисоб рақами очилиб (битта индекс берилиб), ҳамма сўзлашувлар учун ҳисоб-китоблар шу ҳисоб рақами бўйича олиб борилади.

**5.3** Шаҳарлараро, халқаро телефон алоқасидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи алоқа корхонасига қуйидаги маълумотларни хабар қилишлари керак:

— корхона, муассаса ва ташкилотнинг тўлиқ номи;

— тўлов реквизитлари;

— ҳисоб-китоб ҳужжатлари жўнатилиши керак бўлган почта манзили.

**5.4** Мижоз республиканинг бошқа аҳоли пунктига ёки унинг ташқарисига доимий яшаш учун кўчиб кетадиган бўлса, у бу ҳақда бир ой олдин алоқа корхонасини огоҳлантириши ва шаҳарлараро ҳамда халқаро телефон сўзлашувлари ва алоқа хизматларини тўлаш учун кафолат хатини расмийлаштириб қўйиши керак.

**5.5** Кўрсатилган шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари ва алоқа хизматларини тўлаш тўғрисида ҳужжат сўзлашув бўлиб ўтган пайтдан бошлаб бир ой мобайнида жўнатилади. Ҳужжат қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

— ҳисоб-китоб даври;

— мижознинг ҳар бир телефони орқали сўзлашувлари сони ва улар учун тўланадиган пуллар йиғиндиси;

— тўланадиган умумий пул;

— ҳисоб-китоб берилган сана;

— тўлаш муддати.

**5.6** Телефон эгаси ёки унинг ишончли вакилининг талабига кўра сўзлашувлар учун тўланадиган пул миқдори, шаҳарнинг номи (коди)ни, санани, вақтини, сўзлашув муддати ва қийматини кўрсатган ҳолда тушунтириб берилиши керак. Айрим ҳолларда қўнғироқ бўлган мижознинг телефон рақами тўғрисидаги маълумотлар ҳам берилади. Ҳисоб-китоб қоғози бўйича маълумотлар берилган кундан бошлаб 30 кун ичида тақдим этилади.

**5.7** Алоқа корхонаси корхона, муассаса, ташкилотларнинг талабига кўра тўланиши лозим бўлган пул миқдорининг тавсифини шартнома асосида қоғоз, магнитли ёки қаттиқ материалларга ёзиб бериши мумкин.

**5.8** Ҳавола этилган сўзлашувлар ва кўрсатилган алоқа хизматлари учун ҳисоб-китоб қоғозларини тўлаш муддатлари алоқа корхонаси томонидан ўрнатилади, лекин 15 кундан ошмаслиги керак.

**5.9** Мижозларга кўрсатиладиган хизматлар учун берилган ҳисоб-китоб қоғозлари белгиланган муддатда тўланмаса, қарз белгиланган тартибда ундирилади, бунда Ўзбекистон Республикаси маҳаллий телефон алоқасидан фойдаланиш Қоидасининг 5.3 — бандига мувофиқ қарзнинг мавжудлиги тўғрисида огоҳлантириб, телефонни узиб қўйишдан ҳам фойдаланилади.

### 6. ДАЪВОЛАР

**6.1** Мижоз хизмат кўрсатиш сифати тўғрисида, шунингдек, кўрсатилган хизматлар тўловининг миқдори бўйича ҳисоб-китоб қоғози берилган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида алоқа корхонасига даъво қилишга ҳақли. Бу муддат ўтгандан сўнг қилинган даъволарни алоқа корхонаси кўриб чиқмайди.

**6.2** Алоқа корхонаси оғзаки аризаларни қабул қилишга, чоралар кўриб, аризачига натижасини хабар қилишга мажбур. Даъвони дарҳол ҳал этиш имкони бўлмаганда, у аризачи томонидан ёзма равишда баён қилинади, имзо чекиб, жавоб йўллаш учун манзилни кўрсатган ҳолда алоқа корхонасига топширилади.

**6.3** Даъво бевосита зарарни қоплаш тўғрисида талаб билан бирга берилиши мумкин.

**6.4** Алоқа корхонаси мижозга у томонидан мазкур Қоидаларнинг бажарилмаганлиги ёки кўрсатилган алоқа хизматларининг мижоз томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги ёхуд унга шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашуви учун берилган ҳисоб-китобни ёлғондан рад қилишининг қайта текширилгани, ҳисоб-китоб қоғози бўйича ўз вақтида тўламаганлиги сабабли алоқа корхонасининг ишини қийинлаштирган ҳаракатлари бўйича даъво қилишга ҳақлидир.

**6.5** Даъволар томонларнинг ўзаро келишувига биноан ихтиёрий равишда имкони борича қониқтирилиши керак. Келишувга эришиш мумкин бўлмаган ҳолларда, даъвогар томон ўз даъволарини суд орқали қониқтириш учун суд идораларига мурожаат қилиши мумкин.

**6.6** Мижозларнинг даволарини алоқа корхонаси ариза ёки шикоят тушган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган ҳолларда 15 кундан кечиктирмай холисона кўриб чиқиши керак. Агар аризани ёки шикоятни ҳал қилиш учун махсус текшириш ўтказиш зарур бўлса, муддатлар истисно тариқасида бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Бунда аризалар, шикоятлар ва таклифларни кўриб чиқишнинг умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак. Даъвони кўриб чиқиш натижалари корхона раҳбарининг имзоси билан мижозга ёзма равишда хабар қилинади. Мижозларнинг оммавий ахборот воситалари ёки юқори ташкилотлар томонидан кўриб чиқиш учун йўллаган даъволари амалдаги йўриқномаларда кўзда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

**6.7** Даъвони кўриб чиқиш билан боғлиқ ёзишмалар 3 йил давомида сақланиши керак.

**Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қарашли монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича қўмита билан келишилган. Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган (1997 йил 15 май 340-сон). Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1997 йил 25 апрель 156-сонли буйруғи билан тасдиқланган.**



# СПУТНИК СВЯЗИСТА

**_Современные средства электрической связи представляют собой сложнейшую сеть взаимоувязанных и взаимодействующих воздушных проводных, подземных кабельных и наземных радиорелейных, эфирных и комбинированных систем передачи и множества стационарных коммутационных станций, с помощью которых миллионы сообщений проходят в самых разных местных и мировых направлениях._**

## НЕ ПОРВИТЕ КАБЕЛЬ СВЯЗИ!

